Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти Кутубхонаси

2006 ЙИЛ, 18 МАЙ, ПАЙШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 94 (10.651)

Баҳоси эркин нархда

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитасининг Сурхондарё вилояти Кенгаши депутатлари ва жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда ўтказган қўшма йиғилишида Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни воҳада қандай бажарилаётгани масаласи кўриб чиқилди.

● Тошкентдаги «Raddison SAS» меҳмонхонасида бўлиб ўтган конференцияда Силга қарши кураш миллий дастури ижроси доирасида ташхис қўйиш, мониторинг, ҳисобга олиш ва ҳисобдорлик тизимларининг долзарб муаммолари муҳокама этилди.

● Маълумки, шу йилнинг 8-11 июнь кунлари «Ўзкўргазмасавдо» мажмуасида «Windows, Building and Decorat» деб номланган қурилиш материаллари кўргазмаси бўлиб ўтади. Кеча Тошкентдаги «Le Grande Plaza» меҳмонхонасида ушбу тадбирга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Айтиш жоизки, мазкур халқаро кўргазмада Ўзбекистон, Туркия ҳамда МДҲ мамлакатларининг 80 га яқин компаниялари иштирок этади.

● Наманган шаҳридаги Бобур номли маданият ва истироҳат боғида «Улуғимсан, Ватан!» номли китоб байрами бўлиб ўтди. Мустақиллигимизнинг 15 йиллигига бағишлаб Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ўтказилган тадбир китоб кўргазмалари намойиши билан бошланди. Унда «Ўзбекистон», «Ўқитувчи», «Шарқ», «Маънавият» каби нашриётлар томонидан чоп этилган энг сара асарлар намойиш этилди.

● Андижон вилояти пиллакорлари қимматбаҳо хом ашёни давлатга топшириш ишларини бошладилар. Янги ҳосилнинг дастлабки туркумини қайта ишловчи корхоналар қабул пунктларига Шаҳрихон туманидаги академик Саримсоқов номли ширкат хўжалигининг «кумуш тола» усталари етказиб бердилар.

● Зарафшон шаҳар меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими касаба уюшма ташкилотлари билан ҳамкорликда «Меҳнат ярмарка»лари ўтказишга бандлик муаммосини ҳал этишнинг муҳим шартларидан бири сифатида қарамоқда. Жумладан, яқинда шаҳар ҳокимлиги ва прокуратураси ҳамкорлигида ўтказилган ярмаркада 252 нафар киши янги иш ўринларига эга бўлди.

● «Экосан» халқаро ташкилоти Сурхондарё вилоятига ўзининг навбатдаги саломатлик поездини жўнатди. Минтақадаги (хусусан Узун, Сариосиё, Денов туманлари) ижтимоий-экологик вазиятни яхшилаш мақсадида жўнатилган мазкур поезд таркибидан тиббий асбоб-ускуналар, малакали шифокорлар бригадаси ҳамда 30 миллион сўмдан зиёд бўлган инсонпарварлик ёрдами ўрин олган.

● ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий меросига киритилган Бухоро шаҳри ҳозиргача Россия, Испания, АҚШ, Германия ва Туркиянинг бир нечта шаҳарлари билан биродарлашган. Яқинда уларнинг сафи яна биттага кўпайди. Жанубий Кореянинг Каннинг ва Бухоро шаҳарлари ўртасида биродарлик алоқаларини ўрнатиш ҳақида шартнома имзоланди.

ЖАҲОНДА

● Франция Миллий мажлиси мухолифат томонидан киритилган Доминик де Вильпен ҳукуматига ишончсизлик вотумини қўллаб-қувватламади. Вотумда амалдаги ҳукумат аъзоларининг ҳалол ишламаётгани ва мамлакат нотўғри йўлдан бораётгани асос қилиб олинган эди. Ҳукумат истеъфоси учун талаб этилган 289 овоз ўрнига қуйи палатанинг 190 нафар депутати овоз берди.

● Кеча Ингушетиянинг Назран шаҳрида содир этилган террорчилик ҳаракати оқибатида Ингушетия ИИВ раҳбарининг биринчи ўринбосари Жаброил Костоев ҳамда унинг ҳайдовчиси, тан соқчиси ва тўрт нафар тинч аҳоли ҳаётдан кўз юмди. Ушбу ҳаракатни террорчи камикадзе амалга оширган. Шу муносабат билан мамлакат прокуратурасида жиноий иш очилди.

● Украина энергетикани бошқариш миллий комиссияси маълумотига кўра, мамлакатда электр энергияси ва газ нархи 25 фоизга оширилди. Эндиликда истеъмолчилар учун 1 куб метр газ нархи 0,24 гривнага етди.

● Тинч океани бўйи мамлакатларида тўфон пайдо бўлиши ва яқинлашиши ҳақида огоҳлантирувчи тизим синовлари бошланди. Унда 30 дан ортиқ мамлакат вакиллари қатнашмоқда. Мазкур синовлар тизимни Ҳинд океани мамлакатларида жорий этиш учун хизмат қилади. Зеро, ушбу ҳудудда 2004 йилда рўй берган тўфон натижасида 200 мингга яқин киши бедарак йўқолган ва ҳалок бўлганди.

● Кеча АҚШда илк бор илгари кўрсатиш тақиқланган — 2001 йил 11 сентябрда террорчилар томонидан эгаллаб олинган самолётнинг Пентагонга қулаётгани ҳақидаги кадрлар «ойнаи жаҳон»да намойиш қилинди.

● «Код да Винчи» фильмининг намойиши билан Франциянинг Канн шаҳрида кеча машҳур анъанавий халқаро кинофестиваль бошланди. Ушбу оламшумул кино анжумани икки ҳафта давом этади.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 19 май куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 18-20, кундузи 32-34 даража иссиқ бўлади.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Қисқа сатрларда

● **БУГУН** Сергели туман солиқ инспекциясида «Тинчлик учун курашмоқ керак» мавзуида ўтказилган давра суҳбати «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорлигида уюштирилди.

● **БУГУН** «Шоштранс» қўшма корхонасида «Маънавият ва маърифат» марказининг Собир Раҳимов туман бўлими ташаббуси билан уюштирилган давра суҳбати «Ислом — тинчлик ва тотувлик дини» деб номланди.

● **КЕЧА** Тошкент Давлат миллий рақс ва хореография олий мактабида Яккасарой туман ФҲДЁ бўлими, «Маънавият ва маърифат» ҳамда «Оила» марказларининг туман бўлимлари ҳамкорликларида «Қизларни оилага тайёрлаш» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

● **БУГУН** Республика СПИД марказида «Маънавият ва маърифат» марказининг Чилонзор туман бўлими ташаббуси билан «Жамиятни демократик янгилашда хотин-қизларнинг ўрни ва нуфузи» мавзуида ўтказилган давра суҳбати Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишланди.

● **БУГУН** Бектемир туманида Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти туман Кенгашининг конференцияси бўлиб ўтди.

● **КЕЧА** Мирзо-Улуғбек туманидаги 101-мактаб-интернатда Фахрийларни қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармасининг туман бўлими ҳамкорлигида туман фаоллари, мактаб-интернат тарбияланувчилари иштирокида уюштирилган хайрия тадбири Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишланди.

● **КЕЧА** Шайхонтоҳур туман ҳокимлигида Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, «Эл-нажот» нодавлат нотижорат хотин-қизлар ташкилоти ҳамкорликларида Шайхонтоҳур туманининг фаол аёллари иштирокида ўтказилган семинар «Хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва маънавиятини юксалтириш» деб номланди.

● **КЕЧА** «Савдогар банк»нинг Миробод туман бўлимида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан ўтказилган тадбир Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишланди.

● **БУГУН** Учтепа туман ҳокимлигида йод танқислиги ва унинг олдини олиш чораларига бағишлаб ўтказилган тадбирда туман фаоллари, шифокорлар иштирок этишди.

● **КЕРАМИКА** маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Шер-Аз техно» масъулияти чекланган жамиятига иш сифатини янада яхшилаш мақсадида хориждан замонавий технологиялар келтирилди.

● **ТОШКЕНТ** Тиббиёт академиясида шифокорлар иштирокида уюштирилган семинар тери касалликлари ва унинг олдини олиш масалаларига бағишланди.

● **МИРОБОД** туманидаги Шароф Рашидов маҳалласида фуқаролар йиғини раиси ва маслаҳатчилари сайлови бўлиб ўтди.

● **ЎТГАН** кундан театр ихлосмандлари эътиборига Тошкентга гастроль сафари уюштирган Наманган мусиқали ва драма театри ижодкорлари томонидан саҳналаштирилган спектакллар ҳавола этилмоқда. Томошалар Ўзбек Миллий академик драма театри ҳамда Муқимий номидаги мусиқали драма театрида бўлиб ўтмоқда.

● **ЎТГАН** куни кино санъати мухлисларига ўзбек киноусталари томонидан яратилган «Бегоналар» фильмининг премьераси намойиш этилди.

● **ЎТГАН** куни Яккасарой туман ҳокимлигида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан маҳаллалар, корхона-ташкилотлар, ўқув муассасалари вакиллари иштирокида уюштирилган давра суҳбати «Мустақиллик ва Конституция ҳимояси — ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз» деб номланди.

● **МИРЗО** Улуғбек туманидаги 205-мактабда «Камолот» ЁИҲ туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан ёзги таътилда ёшларнинг бўш вақтини сермазмун ўтишини таъминлаш масаласига бағишлаб уюштирилган ўқув семинарида «Камолот» етакчилари ва сардорлари иштирок этишди.

● **КЕЧА** «Камолот» ЁИҲ Ҳамза туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан туманнинг фаол ёшлари, кам таъминланган оилалар фарзандлари Тошкент ҳайвонот боғига экскурсия қилишди.

Ўз мухбирларимиз хабарларидан.



«В.П.ЧКАЛОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ» ДАВЛАТ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ РОССИЯНИНГ «ТЕХНОСПЕЦСТАЛЬ-ИНЖИНИРИНГ» КОМПАНИЯСИГА (САНКТ-ПЕТЕРБУРГ) 2008 ЙИЛГАЧА 30 ТА ИЛ-114 САМОЛЁТИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ БЎЙИЧА ЎЗИНИНГ СЎНГГИ ЙИЛЛАРДАГИ ЭНГ ЙИРИК ШАРТНОМАСИНИ ИМЗОЛАДИ.

ЎЗБЕК САМОЛЁТСОЗЛАРИ ЮҚОРИ ДАРАЖАНИ КЎРСАТМОҚДА

Мазкур авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси матбуот хизматининг ЎзА мухбирига маълум қилишича, ушбу шартнома бўйича етказиб бериладиган Ил-114 самолётлари аввалгиларидан қатор жиддий афзалликлари билан ажралиб туради. Бу ҳаво кемаларига янги электрон бошқарув жиҳозларига эга бўлган ТВ7-117СМ модернизация қилинган двигатель ўрнатилган. Улар парвозларнинг юқори даражадаги хавфсизлиги ва ишончлилигини таъминлаш имконини беради.

Икки учувчидан иборат экипаж модернизация қилинган рақамли учувчилик— навигация комплекси ёрдамида самолётни ҳар қандай вақтда ва ҳаттоки, мураккаб об-ҳаво шароитида ҳам бемалол бошқариши мумкин. Замонавий навигация тизими ички ва халқаро ҳаво йўналишлари бўйича парвозларни амалга оширишни автоматик тарзда таъминлайди. Янги комплекс юқори техник ва фойдаланиш имкониятларига эга, унинг оғирлиги ва энергия сарфи бирмунча камайтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин томонидан ўтган йилнинг ноябрида имзоланган Ittифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги битимда икки давлатнинг турли жабҳалар, жумладан, иқтисодиёт соҳасидаги ҳамкорлигини кенгайтириш кўзда тутилган.

«В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акционерлик жамияти бош директори Вадим Кучеровнинг айтишича, тузилган шартнома Ўзбекистон ва Россия ўртасида идоралараро ўзаро фойдали алоқалар тобора мустаҳкамланиб бораётганининг ёрқин исботидир. Янги лайнер Россия бозорида катта истиқболга эга бўлиб, унинг йўловчи ва юк ташиш учун мўлжалланган моделлари ишлаб чиқарилмоқда. Янги самолёт ва унинг такомиллаштирилган двигатели бўлажак буюртмачилар эътиборини жалб қилмоқда. Ҳозир Россиянинг «Виборг» авиакомпанияси иккита ана шундай ҳаво кемасидан фойдаланмоқда. Россиянинг ҳарбий-денгиз кучлари эса бу самолётни қидирув-қутқарув операциялари, илмий ва бошқа тадқиқотларни ўтказиш учун харид қилди. Чунки Ил-114 бир тонна юк билан ҳавода 12 соат узлуксиз парвоз қилиши мумкин.

Яқинда бирлашма жамоаси ҳаётида яна бир муҳим воқеа рўй берди. Россия Федерацияси ҳукумати раисининг биринчи ўринбосари Д.Медведевнинг Ўзбекистонга ташрифи чоғида корхонанинг учиш-синов мажмуида ушбу мамлакатнинг «Волга-Днепр» авиакомпаниясига Ил-76ТД- 90ВД юк самолётини топшириш маросими бўлиб ўтди. Бу ҳаво лайнерига «Пермские моторы» акционерлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган, такомиллаштирилган двигателлар ўрнатилган бўлиб, улар энг сўнгги авиация ускуналари ва замонавий аппаратура билан жиҳозланган.



Амалга оширилган модернизация ишлари шовқин ва эмиссия бўйича ИКАО талабларига жавоб беради. Бу эса самолётнинг юк кўтариш ва парвозлар масофасини ошириш имкониятларини кенгайтиради. Яқин кунларда Ульянов шаҳридаги «Волга-Днепр» авиакомпанияси яна битта шундай самолётимизни харид қилади. Ушбу замонавий ҳаво кемасига Озарбойжоннинг «Ипак йўли» авиакомпанияси ҳам қизиқиш билдирди ва ўз буюртмаси бажарилишини кутмоқда.

Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси дунёнинг бешта йирик самолётсозлик мажмуи сафидан жой олган. Авиабирлашма буюртмалар портфелининг мунтазам равишда тўлиб бораётгани ҳам буни кўрсатиб турибди. Масалан, ўтган йили Ҳиндистон ҳарбий-ҳаво кучларининг буюртмасига кўра, янги модернизация қилинган Ил-78МКИ ёқилғи қуйиш самолётларини етказиб бериш бўйича шартнома муваффақиятли бажарилди. Бу лайнерлар Тошкентда аввал ишлаб чиқарилган Ил-78 самолётларидан кўп юк кўтариши —190 тонна ўрнига 210 тонна, қаноти ва шассисининг кучайтирилгани, ҳавода ёқилғи қуйишнинг янги ускуналари ўрнатилгани билан ажралиб туради.

Ил-78МКИ самолётларини ишлаб чиқариш бўйича лойиҳани амалга ошириш учун олти мамлакат мутахассислари самарали меҳнат қилди. Бу самолёт модернизация туфайли реципиент-самолётларга қўшимча 30 тоннагача ёқилғи қуйиш ва бирзумда транспорт десант самолётига айланиш имконига эга. Буюртмачига бир нечта ана шундай самолёт жўнатилди.

«В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акционерлик жамияти ишлаб чиқараётган маҳсулоти сифатининг юқорилигини таъминлашга устувор эътибор қаратаётгани боис нафақат МДҲ, балки бошқа хорижий давлатларда ҳам ўз нуфузини мустаҳкамлади. Фаолият кўлами кенгайтирилиши, янги шериклар ва уларнинг буюртмалари ишлаб чиқариш барқарорлигини таъминлаб, қўшимча иш ўринларини ташкил этиш ҳамда корхона даромадини кўпайтириш имконини бермоқда.

Бош қароргоҳи Германиянинг Эссен шаҳрида жойлашган TUV CERT халқаро сертификатлаш органи томонидан аудит ўтказилганидан сўнг, «В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акционерлик жамиятининг сифат тизими маъқулланди ва унинг ISO 9001:2000/EN ISO 9001:2000 халқаро сифат стандартларига жавоб бериши тасдиқланди.

Вадим Кучеров бирлашма фаолияти ҳақида гапирар экан, жамоа меҳнатининг бу даражада юқори баҳоланиши Президент Ислом Каримовнинг мамлакат авиация саноатини ривожлантириш, сўнгги йилларда муайян ютуқларга эришган самолётсозларнинг иши ва эҳтиёжларига доимо эътибор бераётгани ҳамда ғамхўрлиги натижаси эканини алоҳида таъкидлади. Авиация соҳасининг босқичма- босқич модернизация қилинаётгани ўзбекистонлик авиасозларга замон билан ҳамқадам бўлиш ва халқаро бозорда ўз салоҳиятини янада яққолроқ намоён этиш имконини бермоқда. Бугун корхона жамоаси эришаётган марралар ҳам шундан далолат бериб турибди.

НЕФТЬ ВА ГАЗ СОҲАСИНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

— ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНГАН МАМЛАКАТЛАРИМИЗ ЎРТАСИДА ИТТИФОҚЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ШАРТНОМА ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИМИЗГА ЯНГИ ТУРТКИ БЕРДИ, — ДЕДИ МАТБУОТ АНЖУМАНИДА «ЛУКОЙЛ» ОЧИҚ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ ПРЕЗИДЕНТИ ВАГИТ АЛЕКПЕРОВ.

— Биз ўзбекистонлик шериклар билан очиқ мулоқот тарафдоримиз ва Ўзбекистонни инвестицияларимиз учун стратегик аҳамиятга молик минтақа деб ҳисоблаймиз. Ҳамкорликда амалга оширилган ишларнинг дастлабки натижалари ҳам бундан далолат беради. Сўнгги икки йил ичида молиявий қўйилмалар ҳажми 160 миллион АҚШ долларидан ошди. Келгуси йилда йилига 3 миллиард куб метр ҳажмда газ қазиб олинадиган биринчи конни ишга тушириш кўзда тутилмоқда.

Кандим конлари мажмуида лойиҳа-қидирув ишлари олиб борилмоқда. Ушбу конларни 2009-2010 йилларда фойдаланишга топшириш ва йилига 10 миллиард куб метргача газ қазиб олиш мўлжалланган. Мазкур иккита лойиҳа бўйича инвестициялар бир ярим миллиард АҚШ долларидан ошади.

Маълумки, Ўзбекистонда «Лукойл оверсиз Узбекистан Лтд» шўъба корхонаси ташкил этилиб, унда 100 дан ортиқ киши меҳнат қилмоқда. Куни-кеча компания офиси пойдеворига биринчи тошни қўйиш маросими бўлиб ўтди. Икки йилдан кейин янги тузилмада меҳнат қиладиган мутахассислар сони 300 га етади. Уларнинг аксарияти Ўзбекистон фуқаролари ташкил этади.

Вагит Алекперов «Лукойл» Ўзбекистондаги хусусийлаштириш жараёнларида иштирок этадими, деган саволга компания бугун асосий эътиборни нефтъ-газ тармоғининг учта соҳасига — углеводород хомашёсини қидириш, қазиб олиш ва қайта ишлаш, нефть маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда сотишга қаратмоқда, деб жавоб берди. «Лукойл» катта миқдорда турли хил мойларни ишлаб чиқаради ва хорижда муваффақиятли сотади. Улар учун тегишли халқаро сифат сертификатлари олинган. Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида ҳам шундай маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Бу борада биз умумий саъй-ҳаракатларимизни бирлаштиришимиз мумкин. Биз бундай таклифни билдирдик.

Россия компанияси раҳбари Ўзбекистонда бизнесни янада ривожлантириш ҳақида гапирар экан, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси, «Лукойл», Корея миллий нефть корпорацияси (KNOC), Хитой миллий нефть компанияси (CNPC) ва Petronas Caligari Overseas (Малайзия) компаниясидан иборат 2005 йилда ташкил этилган инвесторлар консорциуми катта истиқболга эга эканини таъкидлади. Тенг улушга эга консорциум иштирокчилари 2006 йил давомида Орол денгизининг Ўзбекистон қисмидаги нефтъ-газ конларини ўзлаштириш бўйича Махсулотни тақсимлаш тўғрисидаги битимни имзолашни мўлжалламоқда.

В.НИКОЛАЕВ, ЎзА мухбири

Маҳалланг — ота-онанг

АҲОЛИ ИШОНЧИ МАДАД БЎЛАДИ

ВАТАН ИЧРА КИЧИК БИР ВАТАН ҲИСОБЛАНМИШ МАҲАЛЛАЛАР БОШИДА ОҚИЛ ВА ТАДБИРКОР, ХАЛҚ ТАШВИШИ БИЛАН ЯШОВЧИ ОҚСОҚОЛ ҲАМДА УНИНГ ДОНО МАСЛАҲАТЧИЛАРИ ТУРИБ, АҲИЛ ВА БАҲАМЖИҲАТЛИКДА ФАОЛИЯТ ЮРИТИШСА МАҲАЛЛА ҲАМ ГУЛЛАБ-ЯШНАЙДИ, ОБОД ВА ФАРОВОН ГЎШАГА АЙЛАНАДИ. БУНИ ШУ КУНЛАРДА ҚИЗҒИН ПАЛЛАГА КИРГАН МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИ (ОҚСОҚОЛИ) ВА УНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИНИНГ САЙЛОВЛАРИ ҲАМ ЯҚҚОЛ ИСБОТЛАБ ТУРИБДИ.





Шайхонтоҳур туманидаги Олим Хўжаев номли маҳалла ҳам ана шундай аҳил ва обод масканлар қаторига киради. Сўнгги йилларда ушбу гўшада амалга оширилган ишларга назар ташласак, бунинг гувоҳи бўламиз. Жумладан, маҳалла идораси қайта таъмирланиб, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, хотин-қизлар комиссияси, сардорлар учун алоҳида хоналар ҳозирги кун талабига жавоб берадиган даражага етказилди. Айрим кўчаларнинг йўлкалари очилиб, йўллар асфальтланди. Маҳалла ўзининг жамғармасидан кам таъминланган оилаларнинг мактаб ўқувчиларини 2-8-синфлар дарсликлари билан 35 тўпламдан таъминлашни жорий этди. Ушбу китоб фонди кутубхона шаклида бўлиб, битта ўқув йилига бепул берилади. Айниқса ёшлар ўртасида спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Олтита жамоадан иборат футбол, волейбол командалари ташкил этилиб, уларга 120 нафар ёшлар жалб этилди. Ўсмирлар ўртасида туман миқёсида ўтказилган турнирда маҳалла футбол жамоаси ғолиб чиқди. Бу ишларда маҳалла фаоллари, ҳомийларининг ҳиссаси катта бўлди. Ўтган икки йил давомида болалар учун арча байрамлари кўтаринки руҳда ўтказилди. Хусусан, 2005 йилда 250 та, жорий йилда эса 300 та совғалар маҳалла фондидан ажратилиб, кам таъминланган оилаларнинг болаларига берилди. Кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, ногиронларга маҳалла жамғармасидан электр энергияси, газ, қаттиқ чиқиндилар учун тўловлар амалга оширилди. Иш бор жойда камчилик ҳам бўлади, деганларидек, айрим кўчаларни асфальтлаш ишлари тўла бажарилмагани, спорт майдончаси қуриш учун ер ажратилган бўлса-да асосий ҳомийнинг маблағи камлиги туфайли унинг қурилиши ҳамон бошланмагани каби маҳалла ҳаётида баъзи муаммолар ҳам йўқ эмас.

Куни кеча бўлиб ўтган маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлов йиғилишида ҳам юқоридаги ютуқ ва муаммолар оқсоқол ҳамда тафтиш комиссияси ҳисоботларида ўз аксини топди.

Муҳокамаларда сўзга чиққанлар маҳалла оқсоқоли ва тафтиш компаниясининг фаолиятига қониқарли баҳо беришди.

Келгуси муддатга фуқаролар йиғини раислигига Забихилла Жўраев, Инобат Сирожиддинова ва Қобил Солиҳовларнинг номзодлари қўйилган эди. Маҳалладошлар уларнинг тавсифномалари билан танишишди. З.Жўраев ўз дастурини баён қилганидан сўнг қолганлар номзодларини қайтиб олишларини айтишди ва кўпчилик овоз билан уларнинг таклифлари қондирилди. Забихилла Жўраев деярли якдиллик билан маҳалла фуқаролар йиғини раислигига сайланди. Оқсоқолнинг барча маслаҳатчилари ва тафтиш комиссияси аъзолари ҳам бирма-бир сайланди.

Кўп йиллар маҳаллага оқсоқоллик қилиб ободонлаштириш, тинчлик-осойишталикни таъминлаш, маънавият ва маърифатни ривожлантиришга катта ҳисса қўшган камтарин ва жонкуяр инсон — Абдурашид Назжмиддинов эса маҳалладошлар ишончи билан эндиликда масъул котиб вазифасини бажарадиган бўлди.

Маҳалла ҳисобот-сайлов йиғилишида қатнашган шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раисининг ўринбосари Баҳодир Қосимов, «Маҳалла» жамғармаси Шайхонтоҳур туман бўлими раиси Равшан Обидовлар файзли ва обод маҳалланинг муваффақиятларида фаолларнинг ҳиссаси катта эканлигини таъкидлашиб, ҳаракатчан ва ташкилотчилик қобилиятига эга янги оқсоқолнинг келгусидаги фаолиятларида омадлар тилашди.

Дилшод ИСРОИЛОВ

СУРАТЛАРДА: маҳаллада бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишидан лавҳалар.

ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ САЙЛОВИ САВОЛ-ЖАВОБЛАРДА

— Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиси такрорий сайловини ўтказиш тартиби қандай?

— Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиси такрорий сайлови қуйидаги ҳолларда ўтказилади:

Аввалги сайлов ўтмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилган бўлса;

Такрорий овоз бериш фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчиси сайланганлигини аниқлаш имконини бермаса;

Фуқаролар йиғинида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчиси вазифасига кўпи билан икки нафар номзод кўрсатилган ҳамда улардан биронтаси ҳам сайланмаган бўлса;

— Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиси такрорий сайлови «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг талабларига риоя этилган ҳолда кўпи билан бир ойлик муддат ичида ўтказилади.

— Фуқаролар вакилларининг йиғилишларини чақириш тартиби қандай?

— 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган (янги таҳрир) «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг 18-моддасига кўра, фуқаролар йиғинини чақиришнинг имкони бўлмаган тақдирда, фуқаролар вакилларининг йиғилиши ўтказилади. Йиғилишга ҳовлилар, уйлар, кўчалар, маҳаллалар, мавзелар, даҳалардан фуқароларнинг намояндалари вакил қилинадилар. Вакиллик нормасини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ишлари бўйича тегишли туманлар ва шаҳарлар мувофиқлаштириш кенгаши белгилайди.

Фуқаролар вакиллари йиғилиши унда вакиларнинг камида икки қисми ҳозир бўлган тақдирда ваколатлидир.

— Қандай ҳолларда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловида такрорий овоз бериш ўтказилади?

— Агар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчиси вазифасига икки нафардан ортиқ номзод кўрсатилган ва улардан биронтаси ҳам сайланмаган бўлса, фуқаролар йиғини энг кўп овоз олган икки номзод бўйича такрорий овоз беришни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Такрорий овоз беришда иштирок этган фуқароларнинг овозини бошқа номзодга нисбатан кўпроқ олган номзод, башарти уни ёқлаб берилган овозлар сони унга қарши берилган овозлар сонидан кўп бўлса, фуқаролар йиғини раиси вазифасига сайланган деб ҳисобланади.

— Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимига кирадими?

— Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмайди ва қонунда ваколатларни тегишли ҳудудда амалга оширади.

— Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланади, белгиланган намунадаги муҳрга эга бўлади ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ҳисобга олиниши керак.

— Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ўтмаган ёки ҳақиқий эмас деб топиш тартиби қандай?

— Агар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчилари сайловида фуқаролар йиғинида иштирок этувчилар рўйхатига киритилган фуқароларнинг ярмидан ками иштирок этган бўлса, сайлов ўтмаган деб топилади. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови фуқаролар вакилларининг йиғилишларида ўтказилган тақдирда, агар йиғилишда фуқаролар вакилларининг учдан икки қисмидан ками иштирок этган бўлса, сайлов ўтмаган деб топилади.

Тошкент Давлат юридик институти мутахассислари томонидан тайёрланди.

МУСТАҚИЛЛИК ШАРОФАТИ БИЛАН САНЪАТИМИЗНИ ЯНАДА РАВНАҚ ТОПТИРИШ, ИҚТИДОРЛИ ЁШ ИЖОДКОРЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАҚСАДИДА МАМЛАКАТИМИЗДА ҲАР ЙИЛИ КЎПЛАБ ФЕСТИВАЛЛАР, ТАНЛОВЛАР ВА ҚЎШИҚ БАЙРАМЛАРИ МУНТАЗАМ ЎТКАЗИБ КЕЛИНМОҚДА. ЗЕРО САНЪАТ ДИЛЛАРНИ-ДИЛЛАРГА ПАЙВАНД ҚИЛАДИ, ЭЗГУЛИКЛАР САРИ ЧОРЛАЙДИ. САНЪАТГА ОШУФТА КЎНГИЛЛАРДА ҒУБОР БЎЛМАЙДИ.





Фестиваллар

САҲНАДА ИСТИҚЛОЛ ЮЛДУЗЧАЛАРИ

Айниқса жажжи кичкинтойлар орасида санъат ғунчаларининг кўплаб пайдо бўлаётганлиги қувонарли ҳол албатта.Куни кеча Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг «Маънавият ва маърифат» марказида шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ҳамда Миробод туман халқ таълими бўлими ташаббуси билан мазкур туман мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари иштирокида «Истиқлол юлдузчалари» номли истеъдодли болалар фестивали бўлиб ўтди.Унда Миробод туманидаги 20 та мактабгача таълим муассасаларидан 150 нафар тарбияланувчилар ўз дастурлари билан қатнашдилар.

Байрамона безатилган саҳнада қўшиқ байрамини олқишлар остида тумандаги 247-мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари ўзларининг «Ўзбекистон ёшларимиз» қўшиғи билан бошлаб бердилар. Фестивалда шунингдек 290, 507,32,506,282,66,290- мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари «Ўйна-ўйна дугона», «Кўғирчоғим», «Гуллар вальси», «Андижонча» сингари рақсларни маҳорат билан ижро этишди. Жажжи болажонлар айниқса она Ватан, Ўзбекистонимиз ҳақидаги қўшиқларни қалблари фахр ва ғурурга тўлиб, дилдан жўшиб куйлашди.

— «Истиқлол юлдузчалари» деб номланган мазкур фестиваль ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Ўзбекистон - Ватаним маним» қўшиқ байрами доирасида давом этмоқда,-дейди биз билан суҳбатда Миробод туман халқ таълими бўлими бошлиғи Озода Парпибоева.— Айтиш жоизки, мустақилликка эришганимиздан буён давлатимиз томонидан болаларнинг ҳар томонлама тарбиясига,жумладан уларнинг руҳий ва жисмоний ривожланишига, мактабга тайёргарлик даражасига ҳамда эстетик тарбиясига катта аҳамият берилмоқда. Бу фестивални ўтказишдан мақсад ҳам фарзандларимизда ёшликдан санъатга меҳр-муҳаббат уйғотиш, уларнинг қалбида инсоний фазилатларни—миллий ғурур, ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш, санъатга қизиқишларини ошириш, ҳар тарафлама истеъдодларини ривожлантириш ҳамда уларни қўллаб-қувватлашдир.

Ниҳоятда қизиқарли ва кўтаринки руҳда ўтган мазкур тадбир сўнгида фестиваль ғолиблари аниқланди. Тумандаги 506-ҳамда 290-мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ғолиб деб топилиб, фестивалнинг шаҳар босқичига йўлланма олишди. Фестивалда иштирок этган барча кичкинтойларга ҳомийлар—Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати— Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Миробод туман Кенгаши томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Гулором ҲАМИДОВА

СУРАТЛАРДА: «Истиқлол юлдузчалари» фестивалидан лавҳалар.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

ЭРТА-ИНДИН МАКТАБЛАРДА СЎНГГИ ҚЎНҒИРОҚ ЖАРАНГЛАБ, ЎҚУВЧИЛАР ЁЗГИ ТАЪТИЛГА ЧИҚАДИЛАР. АЛБАТТА КИМ ҲАМ ТОҒ БАҒРИДА, МУСАФФО ҲАВО, КЎМ-КЎК ДАРАХТЛАРУ ГУЛЛАР БИЛАН ЎРАЛГАН ОРОМГОҲЛАРДА ДАМ ОЛИШНИ ХОҲЛАМАЙДИ ДЕЙСИЗ. ШУ ЎРИНДА ҲАҚЛИ САВОЛ ТУҒИЛАДИ. КЕЛАЖАК ЭГАЛАРИ БЎЛГАН ЁШЛАР, АЗИЗ БОЛАЖОНЛАРНИНГ МАЗЗА ҚИЛИБ ДАМ ОЛИБ, ТАЪТИЛНИ МАРОҚЛИ ЎТКАЗИШЛАРИ УЧУН ОРОМГОҲЛАР МАВСУМГА ШАЙМИ? МУТАСАДДИ ТАШКИЛОТЛАР БУ БОРАДАГИ ИШЛАРГА ҚАНДАЙ МУНОСАБАТДА БЎЛЯПТИЛАР?

Ёз — 2006

МАВСУМГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚАНДАЙ?

Ҳудди шундай саволларга ойдинлик киритиш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашида Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда семинар бўлиб ўтди. Мутасадди ташкилотлар раҳбарлари иштирок этган ушбу учрашувда ўқувчиларнинг ёзги таътил кунларида соғломлаштириш мавсумини уюшқоқлик ва мазмунли ўтказишлари учун қилинаётган ишлар тўғрисидаги қатор фикр-мулоҳазалар тингланди. Жумладан, Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг бошлиғи Эргаш Икромов, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Садриддин Ниғматов, Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Жамолиддин Камолов қилинаётган ишлар тўғрисида маълумот бериб, шу ўринда ўзларининг таклиф ва фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Шунингдек, «2005 йил мобайнида ёзги соғломлаштириш мавсумида болаларни дам олдиришнинг баъзи бир якунлари ва 2006 йилдаги вазифалар тўғрисида» Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раисининг ўринбосари Ғайрат Зуннунов тўхталиб ўтди.

Тадбирда иштирок этган тармоқ касаба уюшмалари шаҳар ташкилотлари, шаҳар бошқармаларининг тегишли раҳбарлари, соғломлаштириш оромгоҳларийнг бошлиқлари, тасарруфида болалар соғломлаштириш оромгоҳлари бўлган корхона, ташкилотлар касаба уюшма қўмиталарининг раислари мавзу бўйича ўзларига тегишли барча маълумотлардан хабардор бўлдилар. Семинар савол-жавоблар, иш тажрибасини алмашиш бўйича янги фикр-мулоҳазаларга бойлиги билан барчада яхши таассурот қолдирди.

Шоира МУҲАМЕДОВА

«Камолот»

АБИТУРИЕНТ САЙЛИ—2006

«КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЛИМИ ТАШАББУСИ БИЛАН 19-21 МАЙ КУНЛАРИ ЯККАСАРОЙ ТУМАНИДА ЖОЙЛАШГАН БОБУР НОМИДАГИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА «АБИТУРИЕНТ САЙЛИ —2006» БЎЛИБ ЎТАДИ. УШБУ ТАДБИРДА ШАҲРИМИЗДА ЖОЙЛАШГАН УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ, АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ҲАМДА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ БИТИРУВЧИЛАРИ ҚАТНАШИБ, ЎЗЛАРИНИ ҚИЗИҚТИРГАН МАЪЛУМОТЛАРГА ЭГА БЎЛАДИЛАР.

Тадбирни ўтказишдан асосий мақсад битирувчи ўқувчи ва талабаларни қўллаб-қувватлаш, олий таълим муассасалари фаолияти билан яқиндан таништириш, уларни касбга йўналтириш, жамият ва давлат олдидаги масъулиятларини тўла англайдиган шахс сифатида камол топтиришдан иборатдир.

«Абитуриент—2006» лойиҳасида Миробод туманидаги барча мактаблар қатори бошқа ўқув юртлари, яъни тумандаги Қурилиш касб-ҳунар, Маиший хизмат кўрсатиш, Транспорт касб-ҳунар, Енгил саноат касб-ҳунар коллежлари, ТТЙМИ қошидаги Миробод Академик лицейи, П. Боровский номли Тошкент Тиббиёт билим юрти талабалари қатнашиб, олий ўқув юртлари ҳаёти, фаолиятини намойиш этувчи кўргазмалар, турли буклетлар орқали келажакда ўзлари ўқишни ният қилган олий ўқув юртлари ҳақида маълумотлар оладилар.

«Камолот» ЁИҲ томонидан ўтказилаётган бундай тадбирлар ёшларнинг аниқ мақсад сари илдамлашларида муҳим аҳамиятга эга. Зеро, кириш имтиҳонлари вақтида ташаббускорларнинг хайрли ишлари бесамар кетмаганига гувоҳ бўламиз.

Тадбир ҳақида тўлиқ маълумотларни олиш учун www.tk.uz сайтидан фойдаланишингиз мумкин.

Барно САИД қизи

«НИҲОЛ — 2006» ТАЛАБАЛАР ФЕСТИВАЛИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИДА ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ «НИҲОЛ-2006» ТЕАТР САНЪАТИ ФЕСТИВАЛИ ОЧИЛДИ.

Уни Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси марказий кенгаши ҳамкорликда ташкил этди.

Мамлакатимизда улғайиб келаётган авлодни ҳар томонлама етук ва баркамол, миллий қадриятларимиз ва истиқлол ғоясига садоқат руҳида тарбиялаш Президентимиз Ислом Каримов юритаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидандир. Бу борада жамиятимизнинг турли жабҳалари, жумладан таълим тизимида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир.

Қарийб етти йилдан буён ўтказиб келинаётган «Ниҳол» талабалар театр санъати фестивалини ташкил этишдан кўзланган мақсад ҳам иқтидорли йигит- қизларга истеъдодини намоён этишда кўмаклашиш, ёшларни она-Ватанга муҳаббат, миллий қадриятларимиз ва бебаҳо маданий меросимизга эҳтиром руҳида тарбиялашдан иборат.

Мазкур фестивалда юртимизнинг турли олий ўқув юртлари, шу билан бирга Қирғизистон Республикаси Ўш Давлат университети талабаларидан иборат йигирма бир жамоа иштирок этаётир.

Фестиваль Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети талабалари ижодий жамоасининг «Бир ижара ҳангомаси» спектакли билан бошланди.

ЎзА

Иқтисодиёт

ХАРИДОРЛАР МАМНУН

ИЧКИ БОЗОРИМИЗНИ СИФАТЛИ, КЎРКАМ, ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТЛАР БИЛАН ТЎЛДИРАЁТГАН, АЙНИҚСА УЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ УЧУН МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНАЁТГАН ХУСУСИЙ КОРХОНАЛАР ЖАМОАЛАРИ ЙИЛДАН ЙИЛГА КЎПАЙИБ БОРАЁТГАНЛИГИ ЭЪТИБОРГА ЛОЙИҚ.

Сергели туманидаги «Savoy servis» хусусий фирмаси жамоасининг маҳсулотлари бугунги кунга келиб харидоргирлиги билан ажралиб туради. Бу корхона тадбиркорларининг тинмай изланишлари, ички бозоримизни чуқур ўрганиш, янгиликка ўчликлари, ишчи-хизматчиларнинг касб-маҳоратлари, маҳсулотлар тайёрлашда фирма цехларидаги самарали технологик линиялар, дастгоҳ ва ускуналар шарофатидандир.

Йил сайин ишлаб чиқаришни кенгайтира бориб, цехларда санитар-гигиеник талабларга қатъий риоя қилинган ҳолда сифатли, хуштаъм майонез, кетчуплар ҳамда ханталлар тайёрланмоқда. Турли ҳажмда чиройли қадоқланган, классик услубдаги маҳсулотлар ҳамюртларимизга аллақачон манзур бўлганлиги билан эътиборли. Шунингдек, фирмада ишлаб чиқариши йўлга қўйилган ярим ва 1 литрли чиройли идишларда қадоқланган «Цитрусли, «Қулупнайли», «Атиргулли», «Мевали», «Олмали» каби шампунлар ҳам, бир-биридан тиниқ, турфа рангларда, хушбўйлаштирилган атирсовунлар дармондориларга тўйинтирилганлиги, шифобахш хусусиятлари ҳамда нархларининг нисбатан арзонлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Бундан ташқари, фирма қошидаги «Savoy soft drink» шўъба корхонасида тайёрланаётган кўплаб турдаги аҳолига манзур бўлаётган — «Лимон», «Абрикос», «Кола», «Малина», «Дюшес» каби чанқовбосди ичимликлари ҳам корхона аҳлининг асосий эътиборини сифатга қаратиб меҳнат қилаётганлигидан далолатдир.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

ЭЛ СОҒЛИҒИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

2006 — Хомийлар ва шифокорлар йили

БУРЧГА САДОҚАТ—ОЛИЙ ФАЗИЛАТ

БОЛА- БОЛДАН ШИРИН, ДЕЙДИЛАР. КЕЛАЖАГИМИЗ, ОРЗУ-УМИДИМИЗ БЎЛГАН БОЛАЖОНЛАРИМИЗНИНГ СОҒЛОМ, БАҚУВВАТ ВА БАРКАМОЛ ВОЯГА ЕТИШИ УЧУН МАМЛАКАТИМИЗДА САМАРАЛИ ИШЛАР ОЛИБ БОРИЛМОҚДА. ЗЕРО ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҲУКУМАТИМИЗНИНГ МУҲИМ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИДАН САНАЛАДИ.

Тошкент Тиббиёт академиясининг 1-клиникаси кардио-неврология бўлимига оғир аҳволдаги беш ёшли болани олиб келишди. Боланинг юз-кўзлари, қорни шишиб кетган эди. Беморнинг ота-онаси фарзандининг аҳволидан қаттиқ ташвишланиб шифокорларга нажот билан термулишар, боланинг дардига тезроқ шифо топишларини сўраб умид билан боқишарди. Ушбу бўлимнинг тажрибали, ширинсухан шифокору ҳамширалари зудлик билан беморни текширувдан ўтказиб, даво чораларини қўллашлари натижасида боланинг аҳволи яхшиланди.

— Уч йил олдин беш ёшли ўғлимнинг буйрак фаолияти сустлашиб шу бўлимда ётиб даволаниб кетган эдик,—дейди янгийўллик Азиза Мирқосимова.— Ўғлимнинг юз-кўзларида шиш пайдо бўлиб касаллиги яна қайталаб келдик. Бўлимнинг жонкуяр, меҳрибон, ўз ишининг малакали мутахассиси бўлган шифокорларию ҳамшираларидан миннатдорман. Бемор болаларнинг атрофида парвона бўлиб, дарҳол дардига малҳам бўлишади. Қачон келсак, хушмуомалалик билан тез ёрдам беришга ошиқишади. Керакли маслаҳатларини аяшмайди.

— Бўлимимизда асосан буйрак шамоллаши, буйрак яллиғланиши, охирги пайтда эса модда алмашинувининг бузилиши билан кечадиган касалликлар билан оғриган бир ёшдан ўн беш ёшгача бўлган болалар даволанишади,—д ейди Тошкент Тиббиёт академияси 1-клиникасининг болалар нефрология бўлими мудири, биринчи тоифали шифокор Умида Ғиёсова.— Бўлимимизда 30 та ўрин мавжуд бўлиб, ўн бештаси кардиология, ўн бештаси неврология бўлими беморлари учун мўлжалланган. Беморларни тўлиқ текширувдан ўтказиб, тўғри ташхис қўйиш учун бўлимда барча шарт-шароитлар яратилган. Жумладан рентген, лаборатория текширувлари, радиоизотоп орқали буйрак фаолиятини текшириш, бак лаборатория, иммунологик лабораториялар мавжуд. Бўлимимизда нафақат шаҳримиз, балки республикамиздан буйрак касаллиги билан оғриган болалар ётиб даволанадилар. Бўлимимизга тиббиёт фанлари номзоди, доцент Аълохон Сулаймонов раҳбарлик қиладилар. Шунингдек, кардиоревматолог, олий тоифали шифокор Ибодат Мирҳожиева, тиббиёт фанлари номзоди Сергей Пак сингари ўз касбининг етук мутахассиси бўлган шифокорлар фаолият олиб боришмоқда. Мақсадимиз, келажагимиз бўлган болажонларимизнинг саломатликларини асраш, турли хил касалликларнинг олдини олиш, тўғри маслаҳатлар беришдан иборат.

Дарҳақиқат, бўлимда шифокорлар билан бирга кўп йиллик тажрибага эга олий тоифали ҳамшира Мавжуда Абдуазизова, биринчи тоифали ҳамшира Насиба Набиева, Ася Лесбаева ҳамда Камола Каримова, Нилуфар Абдуворисова сингари қўли енгил, ширинсухан ҳамширалар хизматидан беморлар бехад миннатдорлар.







— Болалар касалликлари бўлимида бугунги кунда турли хил хасталикларга чалинган болажонлар даволанишади,—дейди Тошкент Тиббиёт академиясининг даволаш ишлари бўйича бош шифокор ўринбосари Фарида Жамилова.— Бўлимда чақалоқлар касалликлари, пульмонология бўлими, ревматология, неврология, аллергология, асаб касалликлари бўлимлари мавжуд. Шунингдек, бўлимда маслаҳат поликлиникаси мавжуд бўлиб, бу ерда бемор болалар текширувдан ўтказилиб, уларга ташхис қўйилади ҳамда керакли маслаҳатлар берилади. Баъзи беморлар бу ерда қатнаб даволанишади. Беморларга тўғри ташхис қўйиб, даволаш учун замонавий тиббий аппаратлар ўрнатилган. Ультратовуш, ЭКГ, аллергик синов, ЭХО, доплерография шулар жумласидандир. Шуни айтиш жоизки, бўлимда бир йилда 6000 нафарга яқин бемор болалар даволанишади. Ҳар бир бўлимга кафедралар томонидан малакали профессор ва доцентлар бириктирилиб, уларнинг маслаҳати билан беморларга юқори даражали тиббий ёрдам кўрсатилади ҳамда илмий изланишлар олиб борилади.

Тошкент Тиббиёт академияси 1-клиникаси болалар касалликлари бўлими фаолияти билан танишар эканмиз, бу ерда ёш авлод саломатлигини муҳофаза қилишда олиб борилаётган самарали ишларнинг гувоҳи бўлдик. Зеро соғлом авлод—соғлом келажак демакдир. Ҳомийлар ва шифокорлар йилида янада масъулият билан ўз бурчини сидқидилдан адо этаётган бу меҳридарё, қўли енгил шифокору ҳамшираларга ҳамиша тасаннолар айтсак арзийди.

Дилором ИКРОМОВА

СУРАТЛАРДА: Тошкент Тиббиёт академиясининг 1-клиникаси болалар касалликлари бўлими фаолиятидан лавҳалар.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

Таълим

ДАВР ТАЛАБИГА МОС

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛ ВА ЙЎЛЛАР ИНСТИТУТИНИНГ «АВТОТРАНСПОРТ ИҚТИСОДИ МЕНЕЖМЕНТИ» КАФЕДРАСИ КЕНГ КЎЛАМЛИ ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРМОҚДА. МУТАХАССИСЛИК БЎЙИЧА ТАЪЛИМ ОЛАЁТГАН ТАЛАБАЛАРНИ ЗАРУР ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРИ БИЛАН ҚУРОЛЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА ҚИЛИНАЁТГАН ИЗЛАНИШЛАР ИЖОБИЙ НАТИЖАСИНИ БЕРМОҚДА.

«Инвестицион лойиҳалар таҳлили», «Автотранспорт иқтисоди ва бошқаруви» деб номланган қўлланмалар ҳам юзага келди. «Турли мулкчилик шаклида корхоналарнинг бошқарув тизимларини такомиллаштириш» деган мавзуда амалга оширилаётган тадқиқотлар ҳам таълим жараёнларида татбиқ этилди.

«Менежмент», «Кооператив менежмент», «Раҳбарлик санъати» сингари ўқув қўлланмалари ҳам бўлажак ёш мутахассисларга тақдим этилди. «Ёш менежерлар» клуби томонидан олиб борилаётган таълимий тадбирлар «Автотранспорт иқтисоди менежменти» кафедраси билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда.

ИСТИҚБОЛЛИ ДАСТУР АСОСИДА

РЕСПУБЛИКАМИЗДА МИЛЛИЙ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ КОМПЬЮТЕР ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА МУҲИМ ТЕХНИК ТАДБИРЛАР КЎРИЛМОҚДА.

Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда амалиётга татбиқ этиш мақсадида «Ўзинфоком» маркази ташкил этилиши ҳам айни муддао бўлди.

Бу янги марказ таркибида компьютер ҳодисаларига чора кўриш хизмати ҳам иш бошлади. «Ziyo NET» ахборот тармоғининг тизимида ҳам бу нуфузли марказ ушбу тармоқнинг ахборот ресурслари дастурини яратишга ҳам киришди.

Ана шу истиқболли дастур мамлакатимиздаги мактаблар, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртларини мазкур тармоққа улаш имконини беради.

Шунингдек, «Ziyo NET» тармоғи технологик майдончасида жойлаштириш тартибига доир Низом ишлаб чиқилди.

ЎҚУВ МИЛЛИЙ МАРКАЗИ

АҲОЛИ ОРАСИДА КОМПЬЮТЕР САВОДХОНЛИГИНИ ОШИРИШ МУҲИМ ТАЪЛИМИЙ ЖАРАЁН СИФАТИДА КЕНГ ТУС ОЛМОҚДА. БУ БОРАДА «ЭФФЕКТ-МОЛИЯ» ЎҚУВ-ИЛМИЙ МАРКАЗИНИНГ ФАОЛИЯТИ САЛМОҚЛИ БЎЛМОҚДА.

Компьютерлаштиришни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшиб келаётган бу марказ нисбатан қисқа давр ичида кам вақт ва маблағ сарфлаб малакали мутахассислар тайёрлаб бермоқда.

Бу ерда сабоқ олган компьютер саводхонлиги бўйича ёш мутахассисларни ўқитиш дастурлари Республика давлат тест маркази томонидан тасдиқланди. Битирувчиларга эса лицензияланган диплом топширилади.

Марказ жамоаси қисқа муддатда малакали мутахассислар тайёрлаш бўйича ўқув қўлланмаларини яратишга киришди.

Акбар АЛИЕВ

Санъат

БИРИНЧИ ЎРИН СОҲИБИ

МАШҲУР ИНГЛИЗ ДРАМАТУРГИ ШЕКСПИРНИНГ «ЖАВОБСИЗ МУҲАББАТ» ДЕБ НОМЛАНГАН ПЬЕСАСИДА МУҲИМ ИЖТИМОИЙ ВОҚЕАЛАР ҲИКОЯ ҚИЛИНАДИ.

Мазкур асар Тошкентдаги «Илҳом» театри репертуаридан ҳам ўрин олди. Уни постановка қилишда актёрлар жамоаси ўз йўналишида иш кўриб, замонавий режиссура усулларидан фойдаланди. Шу боис «Жавобсиз муҳаббат» томошабинларда қизиқиш уйғотмоқда.

Шуни қувонч билан айтиб ўтиш жоизки, санъаткорлар бу постановкаси билан навбатдаги халқаро театр фестивалида қатнашдилар. Германиянинг Рюкленхаузер шаҳрида ташкил этилган бу нуфузли ижодий кўрикда ушбу спектакль муваффақият қозонди.

Ўзига хос бадиий талқинда юзага келган мазкур постановка ютуғи учун «Илҳом» театри халқаро фестивал томонидан совринли биринчи ўринни қўлга киритди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Спорт

ИЛК ЧЕМПИОНЛАР

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯГОНА САНАЛГАН ТОШКЕНТ ГОЛЬФ КЛУБИДА МАЗКУР СПОРТ ТУРИ БЎЙИЧА ИЛК БОР ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ ЎТКАЗИЛДИ.

Мазкур клуб ташкил топганига ўн йил бўлди. Ўтган вақт оралиғида спортнинг ушбу турини янада оммалаштириш мақсадида қатор мусобақалар уюштирилган эди. Навбатдаги расмий мусобақада гольф бўйича муайян тажрибага эга бўлган спортчилар илк бор мамлакат чемпионлиги учун кураш олиб бордилар. "Капиталбанк" ҳомийлигида ўтказилган мусобақада ўттиздан зиёд иштирокчилар ўз маҳоратини намойиш этдилар. Якуний натижаларга кўра, Евгений Ли, Камол Самадов, Алек Хан, Вячеслав Сойлар совринли ўринларни қўлга киритишди.

ҒАЛАБА МУБОРАК БЎЛСИН!

ПОЛЬШАДА БАЙДАРКА ВА КАНОЭДА ЭШКАК ЭШИШ БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛГАН ЖАҲОН КУБОГИ БОСҚИЧИДА ТЕРМА ЖАМОАМИЗ АЪЗОЛАРИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ҚАТНАШДИЛАР.

Икки юз метрлик байдаркада ўтказилган беллашувларда Сергей Барзов бронза медалини қўлга киритган бўлса, тўрт кишилик каноэ баҳсларида спортчиларимиз кумуш медаль соҳибига айланди.

Рустам ҲАЙДАРОВ, "Туркистон-пресс"

БОЛАНИНГ САЛОМАТЛИГИ, УНИНГ ТЎҒРИ РИВОЖЛАНИШИ КЎП ЖИҲАТДАН ОНАНИНГ САЛОМАТЛИГИГА, ЯЪНИ ТЎҒРИ ОВҚАТЛАНИШИ, ЎЗ ВАҚТИДА ДАМ ОЛИШИ, УХЛАШИГА БОҒЛИҚ.

Мутахассис маслаҳати

ОНА СОҒЛИҒИ — БОЛА БАХТИ

Сўнгги вақтларда айрим ёш оналарнинг кўкрак сути етарли бўлмаслиги ҳоллари тез-тез учраб турибди. Бунинг сабаби кўпчилик ёш эмизикли оналарнинг рационал овқатланиш талабларини ва кун тартибига амал қилмасликларидир. Она организми учун зарарсиз бўлган барча овқат маҳсулотлари бола организми учун ҳам зарарсиздир. Оналарнинг оқсил, сутдан тайёрланадиган ёғ маҳсулотлари, карбонсувлар, витаминлар ва минерал тузларга бой бўлган овқат маҳсулотларини етарли миқдорда истеъмол қилишлари фойдалидир. Эмизикли оналар агар танасида хасталик (яъни нохушлик) ўзгаришлар бўлмаса кўнгиллари истаганча турли хил мева шарбатлари ёки сут маҳсулотларини истеъмол қилишлари мумкин. Бу ўринда уларга янги пишган турли мевалар, полиз экинлари, сабзавотлар тавсия этилади. Афсуски, айрим оналар сут ва сутли маҳсулотларга ўзларида эҳтиёж сезишмайди. Бундай ҳолларда улар тўла қувватли оқсилларга бой гўшт маҳсулотларини. тухум, балиқ гўштидан етарлича истеъмол қилишлари керак. Эмизикли оналарнинг нон ва нон маҳсулотлари, унли таомларни, қаверса, турли хил ширинликларни камроқ ейишлари тавсия этилади. Барча ўткир таъмли таомларни: аччиқ қалампир, сирка, қора мурч ёки ҳозирги кунларда жуда кенг истеъмол қилинаётган «махсус рецепт» билан тайёрланаётган «чим-чим»лар бу аёллар учун қатъиян ман қилинади. Шу билан бирга таркибида спирт бўлган турли хил ичимликлар ичиш ҳам тақиқланади. Чой билан кофе масаласига келганимизда уларни меъёр чегарасида ичиш фойдалидир.

Агарда эмизикли она соғлом ҳаёт кечирса, ўз фарзандининг нормал ривожланиши учун зарур бўлган сут билан етарли таъминлайди. Бунинг учун энг муҳим талаблардан бири эмизикли онани етарли даражада дам олишидир. Афсуски, айрим ёш оналаримиз турли сабаблар билан мана шундай қулай шароитдан тўғри фойдалана олмайдилар. Масалан, кўпгина ҳолларда баъзи ёш келинларимиз туғруққонадан келганларидан бошлаб уй-рўзғор ишларига бутунлай киришиб кетишади. Бундай иш тутиш она соғлиги учун жуда ҳам зарардир. Агар эмизикли она ҳеч қандай касаллик билан хасталаниб қолмаса, 7 ҳафтадан бошлаб енгил уй-рўзғор ишлари билан шуғулланиши мумкин. Баъзан оналарни мана шу даврда спорт билан шуғулланиш масаласи қизиқтиради. Улар спорт билан бемалол шуғулланишлари мумкин, лекин бунда улар ўзларини ўта чарчашдан эҳтиёт қилишлари зарур.

Ҳозирги кунда киши кўнглини ранжитадиган, саломатлиги учун катта зарар келтирадиган омиллардан бири ёшларимиз ўртасида тез-тез учраб турадиган кашандаликдир. Эмизикли оналарнинг кашандаликка одатланишлари жуда ҳам зарарлидир, чунки тамаки тутуни таркибида мавжуд 20 дан ортиқ заҳарли моддалар биргина она организмини заҳарлабгина қолмай, кўкрак сути орқали норасида гўдакни ҳам зарарлайди.

Эмизикли оналар яна бир ёмон одатдан, яъни ўринли ва ўринсиз ҳар хил дориларни истеъмол қилишдан сақланишлари лозим. Чунки она вужудига тушган ҳар қандай дори бир вақтнинг ўзида бола организмига ҳам таъсир қилади. Руҳий тетик, кайфияти яхши она сутининг миқдори ҳам, сифати ҳам кўпгина ҳолларда етарли бўлади.

Абдуваҳҳоб ТОҲИРИЙ,
Тошкент врачлар малакасини ошириш институти «Соғлом турмуш тарзи» кафедраси ўқитувчиси.

Миннатдорлик

МЕН СИЗДАН ДАВО ТОПДИМ...

ҲАММАМИЗГА МАЪЛУМКИ, БИРОР ДАРД БИЛАН ОҒРИБ ХАСТА БЎЛИБ ҚОЛСАК ҲАЁТГА УМИД, ИШОНЧ УЙҒОТУВЧИ, ДАРДИМИЗГА МАЛҲАМ БЎЛУВЧИ ШИРИН СЎЗЛИ, МЕҲРИБОН ШИФОКОРЛАР ҲУЗУРИГА ОШИҚАМИЗ. БУНИ ФАҚАТ ОҒИР ХАСТАЛИКНИ БОШИДАН ЎТКАЗГАН КИШИЛАРГИНА ЯХШИ БИЛАДИЛАР.

Яқинда ошқозонимда қаттиқ оғриқ бошланиб «Тез ёрдам» машинасида Тошкент тиббиёт академиясининг 3-клиникаси қошидаги марказга олиб боришди. Мени бўлим мудири, доцентлар — О.Ҳасанов, О.Қодиров ва ассистент М.Собиров қабул қилиб, биргаликда текширувдан ўтказиб, даво чораларини кўришди. Муолажалар қаттиқ назорат остида ўз вақтида олиб борилганлиги сабабли оғриқ аста-секин пасая борди. Менда ошқозон хуружи эмас, юрак хуружи эканлигини айтишди ва керакли муолажалар қилишди. Ўн икки кун шу шифохонада даволангач барча оғриқ ва хасталикларидан фориғ бўлиб, соғ-саломат оиламга қайтдим. Бўлимда беморларга сифатли тиббий хизмат кўрсатишда марказ раҳбари Б.Даминов ҳамда клиниканинг бош шифокори М.Қодировларнинг ҳиссаси катта эканлигини таъкидлагим келади. Шунингдек бўлимда катта ҳамшира Нафиса Тўлаганова, бўлим мудири А.Ҳасанов, ассистент М.Собиров, шифокор Э.Ҳотамов, ҳамширалар З.Қобилова, Н.Яқубовалар ўз касбларига сидқидилдан ёндошиб беморлар дардига малҳам бўлиб келишмоқда. Аҳил жамоада тунгга улаб фаолият олиб бораётган бундай қўли енгил, ширинсухан шифокору ҳамшираларга ўз миннатдорчилигимни билдираман. Уларга қарата «Раҳмат сизга шифокорлар, қўлингиз дард кўрмасин», дея ният қиламан. Бебаҳо бойлигимиз бўлган соғлиғимизни сақлашда сиздек саломатлигимиз посбонларининг хизмати беқиёсдир.

Раънохон РАҲИМБЕКОВА

Сўранг, жавоб берамиз

ГЎДАК БЕЗОВТА БЎЛСА...

ҲУРМАТЛИ ТАҲРИРИЯТ! ЕТТИ ОЙЛИК ФАРЗАНДИМНИНГ ТИШЛАРИ ЧИҚИШИ БОИС КЎП БЕЗОВТАЛАНАДИ. УЙҚУСИ ҲАМ ЯХШИ ЭМАС. ШИФОКОРЛАР ЁШ ГЎДАКЛАРДА ИЛК ТИШЛАРИ ЧИҚАЁТГАНДА БУНДАЙ ҲОЛАТЛАР БЎЛИШИНИ ҚАЙД ЭТИШМОҚДА. ГЎДАКЛАРГА ИЛК ТИШЛАРИ ЧИҚАЁТГАН ВАҚТДА ҚАНДАЙ МУОЛАЖАЛАР ҚИЛИШ МУМКИН? БУ ҲАҚДА ГАЗЕТАНИНГ «ЭЛ СОҒЛИҒИ — ЮРТ БОЙЛИГИ» САҲИФАСИДА МУТАХАССИС МАСЛАҲАТИНИ БЕРСАНГИЗ...

Камола Муслимова, уй бекаси

Дарҳақиқат, илк сут тишлари чиқаётган вақтда гўдаклар анча азобланишади. Сут тишлари чиқаётганда гўдакларнинг милк тўқимаси шишиб, ўсиб келаётган тишнинг тазйиқи таъсирида ён-атрофга томон ажрала боради. Бунда эпителий шикастланмаса-да, милк тўқималари яллиғланади. Оқибатда гўдакка тиббий дори-дармонлар билан ёрдам кўрсатиш зарурати юзага келади.

Сут тишлари ёриб чиқаётган пайтда кўрсатиладиган энг мақбул ёрдам воситаси сифатида Дентинокс-гель Н препаратидан фойдаланишни тавсия этиш мумкин. Ушбу препарат оғриқ қолдирувчи ва яллиғланишга қарши таъсир кучига, шунингдек, етарлича консистенцияга эга. Унинг таркибидан мойчечак дамламаси, лидокаин гидрохлорид ва қанд ўрнида ишлатиладиган, кариес келтириб чиқармайдиган ксилитол ва сорбитол моддалари ўрин олган. Қолаверса, бу препарат фойдаланишга жуда қулай, сут тишлари чиқишининг дастлабки аломатлари сезилган заҳоти тоза бармоқ ёки тоза пахтали чўп билан нўхат катталигидаги гель томчиси милкнинг тиш чиқаётган жойига авайлаб сурилади.

Дентинокс- гель Н препаратидан профилактика мақсадларида фойдаланиш ҳам мумкин. Бунинг натижасида сут тишлари, кейинчалик жағ тишлари оғриқсиз ва асоратларсиз милк тўқимасини ёриб чиқади ҳамда милклар шикастланиши, оғиз шиллиқ қаватининг яллиғланиши (стоматит) ва оғриқли ҳолатларнинг олди олинади.

Муқаддас МАҲАМАДАЛИЕВА, шифокор -стоматолог

Танловлар

ҲАМШИРАЛАР БЕЛЛАШДИ

ТУНУ КУН БЕМОРЛАР АТРОФИДА ШИФОКОРЛАРДАН ҲАМ КЎПРОҚ ПАРВОНА БЎЛУВЧИ ОҚ ЛИБОСЛИ ҲАМШИРАЛАРНИНГ МАШАҚҚАТЛИ ҲАМДА ШАРАФЛИ МЕҲНАТЛАРИНИ ҲАММАМИЗ ЯХШИ БИЛАМИЗ. ҲАМШИРА ОДДИЙ ИЖРОЧИ ЭМАС, У ЎЗ ШИФОКОРИ ЁНИДА ГАРЧИ БИРОВ БУЮРМАСА ҲАМ ЯНА БИР ШИФОКОРГА АЙЛАНИШИ ЗАРУР. У ТИББИЁТ ЖАБҲАСИДА ЎТА МАСЪУЛ ШАХСДИР. ШУ БИЛАН БИРГА ТИББИЁТНИНГ РАСМИЙ ВАКИЛАСИ СИФАТИДА ШИФОКОР БИЛАН БЕМОРНИ БОҒЛАБ ТУРУВЧИ, ДАВОЛАШ ЖАРАЁНИНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ АСОСИЙ ВОСИТАЧИДИР.

Яқинда Аброр Ҳидоятов номидаги ўзбек Давлат драма театрида Ҳомийлар ва шифокорлар йили ва Ҳамширалар кунига бағишлаб Тошкент Педиатрия-тиббиёт клиникасининг ҳамширалари ўртасида «Ҳамшира — 2006» кўрик-танлови ўтказилди. Танловда клиниканинг тўрт нафар ўз касбининг билимдони бўлган ҳамширалар — Озода Ҳошимова, Маъмура Боқиева, Муҳтабар Отажонова, Холида Деҳқоновалар тўртта шарт бўйича ўзаро беллашдилар. Яъни таништирув, касблари бўйича савол-жавоб, беморга шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш ва эркин мавзу бўйича қизлар ўзларининг билим ва маҳоратлари, чаққонликлари, зукколиклари ҳамда истеъдодларини намойиш этдилар. Залга йиғилганлар ҳамда ҳакамлар ҳайъати танлов қатнашчиларининг ҳар бир чиқишларини олқишлаб, муносиб баҳолаб бордилар. Тадбир сўнгида танлов ғолиблари аниқланди. Клиниканинг шошилинч жарроҳлик бўлими ҳамшираси Маъмура Боқиева ва кардио-хирургия бўлими жарроҳ ҳамшираси Муҳтабар Отажонова танловнинг биринчи ўрин соҳиби деб топилдилар. Танлов иштирокчилари ҳамда ғолибларга эсдалик совғалари топширилди.

— Шифохонамизда ўз касбига меҳр қўйган, малакали, ширинсухан ва чаққон ҳамширалар жуда кўп, — дейди Тошкент Педиатрия-тиббиёт клиникаси бош ҳамшираси Мақсуда Муҳсимова. —Ҳамширалар ўртасида бундай танловни ўтказишдан мақсад, уларнинг касбларига бўлган иштиёқларини, билим ва малакаларини янада ошириш ва рағбатлантиришдан иборат. Бугунги беллашувда ҳам ҳамшираларимизнинг ўз касбларининг етук мутахассислари эканлиги, касбга садоқатлари,истеъдодлари яққол намоён бўлди. Биз албатта шундай ҳамшираларимиз билан фахрланамиз.

Гулнора ҲАМИДОВА

Ўз-ўзи ўрганиш доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Оғирчиликда сабр қилиш энг улуғ неъмат!

Муҳаммад ЗЕҲНИЙ

Сабр қилган киши бир кун топар ком,
Сабрсиз қиз эрга ёлчимас мудом.
Мурданинг бошида солмагин кўп дод,
Мурда сабр тилар, наинки фарёд.
Отни ўрганмоқчи бўлсалар мудом,
Шошиб эмас, аста қилинади ром!

Низомий ГАНЖАВИЙ

Ишга шошиб киришма, сабр қил, эҳтиёт бўл,
Шошилиб қилинган ишнинг охири вой бўлади,
Шошилиб қилинган ишлар нечоғли
ярамас бўлади.
Шошқалоқлик барча адашган кишилар иши.

Юсуф Хос ҲОЖИБ

Оч бўлсанг-да оч кўрунма, таъмагирлик қилма.

Муҳаммад Сиддиқ РУШДИЙ

Кимики шошилмай, сабр, қаноат билан иш қилса, қилган иши тўғри чиқади.

ҲАДИС

Ранжу ғам юз берса, қилма кўп фарёд,
Ундан ҳам баттар келмасин бошга!

Муҳаммад ЖАБАЛРУДИЙ

Сабр билан банддан қутулар киши,
Сабр калит эрур бекилса иши.
Сабр қилмоқ била талх бўлса комим,
Сабр каъбаси де сен менинг номим!

Низомий ГАНЖАВИЙ

Қачон қаҳринг келса, ўзингни тут, бардошли бўл,
Сабрли кишининг севинчи олдида.
Киши сабр қилса, бузилган ишини тўғрилайди.
Киши сабр қилса, ўз тилагини топади,
Сабр қилиб тургувчи оқ кушни тутади.

Юсуф Хос ҲОЖИБ

Сабр—бу барча меҳнат ва оғирликни енгиш ва чидамдир. Бечора ва ночор бўлса-да, ўзини бадавлат кишидек тутиш, кўрган кимсага аҳволи ҳақида шикоят қилавермаслик, ғамли айёмда ҳам ўзини хандон ва очиқ юзли қилиб кўрсатишдир.

Муҳаммад ЖАБАЛРУДИЙ

Сабрли одам узоқ яшайди.
Сабри кўпнинг дўсти кўп.

Ёмон кунда сабр қилган киши яхши кунга тез етади.

«ОТАЛАР сўзи»

Яхшидур қониъу қашшоқу ғани таъмаидин,
Тутти бу важҳдин оини қаноат шуаро.

Комил ХОРАЗМИЙ

Қаноат ақлли одамнинг фазилатидир. Аммо қаноат қилиш ризқ қидириш ва касб билан шуғулланишнинг тийилиш ва ортиқчасига интилмасликдир. Қаноатли одам зиёфат ичида ва завқу сафо орасида юрган кабидир. Чунки қаноат йўлини тутган одам ҳар нарсага қайғу ғам чекавермайди. «Фалончи уни олибди, пистончи буни олибди, мен ҳам олишим керак, нега унда бўлади, менда бўлмайди», деб жонини қойитавермайди.

Муҳаммад ҲУСАЙН

Равнақо, кунжи қаноатдин этиб ўзи фароғ,
Югуриб ит каби қилмоқ талаби мол недур.

РАВНАҚ

Қўлингни силка-ю боқма жаҳонга,
Қаноат айлагин битта қоқ нонга!

Низомий ГАНЖАВИЙ

Ризоу сабр йўлида бўлунг собитқадам, аҳбоб.

Комил ХОРАЗМИЙ

Доно кишилар: «Қаноат тугамас бойликдир, қаноатли киши ҳеч қачон камбағал бўлмайди, чунки уни ҳеч кимга иши тушмайди. Қаноатсиз киши эса гадойга ўхшайди, унинг ҳамма нарсаси бўлса ҳам кўзи тўймайди, кўпроқ топишга интилади, нарса учун одамлар олдида бош эгади»,—дейдилар.

«МАҲЗАН ал-улум»

Сабр била боғлиқ иш очилур,
Ишда ошиққан кўп тойилур.

НАВОИЙ

Бировнинг олдига боргандан нон деб,
Уйда жим ўтирган яхшидир жон деб.
Ҳар ким таъма йўлин тутса агар пеш,
Оқибат бир куни бўлғуси дарвеш!

Низомий ГАНЖАВИЙ

Қаноат қил, эй нафс, андакка ҳам,
Ки келтургуси ҳирс бешак алам.

АЛМАИЙ

Хасиснинг хонидан егандан ҳалво,
Уйингда қотган нон еганинг авло.
Шод бўлса қаноат бирла ҳар киши,
Ўлгунча бўлмаган асло ташвиши!

Низомий ГАНЖАВИЙ

Ҳар на ишинг битмаса тоат била,
Ҳосил бўлур сабру қаноат била.

Саид ҚОСИМИЙ

Чархи фалак неча менга қилса жабр,
Мен қилайин ушбу бало ичра сабр.

ДУРБЕК

ҲИКМАТ. Дил бойлиги ва руҳ озиғи уч нарсадир: биринчи илмда, иккинчи ризода, учинчи қаноатда! Байт:

Дунё неъматини айласанг ҳавас,
Илм, қаноатга интил ҳар қачон.
Бундан бошқасига таъма нодонлик,
Бошқасини излар ким бўлса нодон!

Муиниддин ЖУВАЙНИЙ

Маҳмуд ҲАСАНИЙ, Ҳамиджон ҲОМИДИЙ тайёрлашган

Бугун— Халқаро музейлар куни

ЁҒДУ СОЧГАН КОШОНА

ҲОЗИРГИ КУНДА БУЮК ДАВЛАТЛАРНИНГ ИСТИҚБОЛИНИ ҚАДИМДАН УЛАРДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛИБ КЕЛАЁТГАН ХАЛҚНИНГ МАДАНИЯТИ ВА МАЪНАВИЯТИ ҲАҚИДА ГУВОҲЛИК БЕРУВЧИ МУЗЕЙЛАРСИЗ ТАСАВВУР ЭТИШ ҚИЙИН.

Музейларга бўлган қизиқиш жуда қадимдан бошланган. Тарихий манбаларнинг шоҳидлигича, милоддан илгари III асрда Искандарияда музалар (фан ҳомийлари) ҳудоларига аталган бинода — музейонда қадимий санъат ёдгорликлари йиғими сифатида ташкил этилган.

Ўзбекистонда ҳам XIX асрнинг тўртинчи чораги бошлариданоқ музейларга бўлган қизиқиш бошланган.

Музейларни инсониятнинг улкан ёдгорлик китобидир, десак муболаға бўлмайди. Ҳозирда республикамизда турли йўналишдаги катта-кичик музейларнинг сони 1200 дан ортиб кетди. Улар фақат фан ва санъат соҳасидаги қадимги ноёб ёдгорликларни сақлаш жойигина бўлиб қолмай, балки тарихий, моддий ва маънавий ёдгорликларни тўплаш, ўрганиш ва ташвиқ қилиш ишларини амалга оширувчи илмий-маърифий маскан бўлиб ҳисобланади. Фан ва санъат ютуқларини намойиш этиб ўтмишимиз ва ҳозирги кунимизнинг ютуқларини, ҳаққоний асл қиёфасини ёритишдаги ўрни беқиёсдир. Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ музейлар зиммасига катта масъулият юкланиб, республика раҳбарияти Фармон ва қарорлари асосида ўз даврида дунёвий ва диний йўналишда фаолият кўрсатган ва ҳозирда унутилаёзган олиму уламоларимиз, машҳур давлат арбоби ва саркардаларимизнинг номлари тикланди, уларга атаб ёдгорликлар ўрнатилди, бир қатор музейлар таъмирланди, янгилари барпо этилди. Айниқса, музейлар ишини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг (1998 йил 5 март, 98-сонли) қарори асосида «Ўзбекмузей» жамғармасининг ташкил топиши ва бу жамғарманинг бир қатор вазифаларни амалга оширишни режалаштириб олганлиги музейлар истиқболини жонлантириш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

«Ўзбекмузей» ўз режасига биноан республикамиз музейлари ўз йўналишларига қараб замон талаблари асосида Истиқлол руҳидаги экспозициялар яратиши зарурлигини, асрлар давомида яратилиб, четга чиқиб кетган меросимизни Ватанимизга қайтариш, музейларни маънавият ўчоқларига айлантириб, халқимиз, айниқса ёшларимиз қалбида давлатчилигимиз тарихига қадимдан асос солган аждодларимиз меросига ғурур ва фахр билан боқиб Ватанга садоқат туйғусини сингдириш, музейларимиз ютуқларини жаҳон жамоатчилигига танитиш мақсадида Ўзбекистонда ва чет эл музейларида кўргазмалар ташкил этиш, музейларга чет эллик сайёҳларни жалб этиш, музейлар фондини бойитиш мақсадида илмий сафарлар ташкил этиш, музейлар фондидаги экспонатларни ягона рўйхатини тузиб, замонавий техник воситаларидан кенг фойдаланиш, каталог, буклет каби тарғибот воситаларидан кенг фойдаланиш, кадрлар тайёрлаш усулларини кенг ўрганиш, ўқув юртларига малакали музейшуносларни жалб этиш каби масалаларни белгилаб олган.



Ҳозирги кунда республикамизда ўнлаб замон талабига жавоб берадиган музейлар фаолият кўрсатмоқда. Улардан Тошкентдаги Темурийлар тарихи Давлат музейи (1996 йил), Қатағон қурбонлари хотираси музейи (2002 йил), Термиздаги археология музейи (2002 йил) кабилар ҳозирги кунда республикамиз аҳли ва хорижий меҳмонларнинг севимли зиёратгоҳларидан бирига айланган.

Айниқса, мустақиллик йилларининг ноёб меъморий обидаларидан ҳисобланган Темурийлар тарихи Давлат музейи 10 йиллик фаолияти давомида ўзининг шарқона услубда қурилганлиги ва экспонатлари билан томошабинларда бой таассуротлар қолдирмоқда. Бунинг далили сифатида музейга ташриф буюраётган чет эллик фахрий меҳмонларнинг музейнинг хотира китобига битаётган дастхатларининг мазмунидан англаса бўлади. Масалан, Россия Федерацияси кенгаши делегацияси ўз битикларида музей экспозициясидан катта таассурот олганликлари, кимки ўз тарихини мукаммал ўрганса, ўз улуғ аждодларини эласа, бу халқнинг келажаги порлоқ бўлиши ҳақида ёзиб қолдиришган (2005 йил). Евроосиё иқтисодиёт кенгашининг бош котиби битигида ўз тарихини билмаган, қадрламаган, севмаган халқнинг келажаги йўқ. Ўзбекистоннинг буюк келажаги борлигига ушбу ажойиб музей гувоҳдир деб ёзган. (17.01.2006 й.) Ҳақиқатда ҳам Марказий Осиёда ягона ҳисобланган бу музей ўзининг ноёблиги билан жаҳоннинг машҳур музейлари билан тенглаша олади. Музей ўзининг қисқа ўн йиллик фаолияти давомида салмоқли ишларни амалга оширди. Бу улуғ кошонада турли тарихий саналар муносабати билан қатор-қатор илмий анжуманлар ўтказилиб келинмоқда. Кўргазмалар ташкил этилмоқда, илмий рисолалар чоп этилмоқда. Экспонатлари бойиб бормоқда. Гапимизнинг исботи сифатида яқинда Амир Темур таваллудининг 670 йиллиги ва музей ташкил этилганлигининг 10 йиллиги муносабати билан «10 йилга — ўн кўргазма рукни» остида музей фаолиятидан гувоҳлик берувчи кўргазмалар туркумининг очилганлигини айтиш мумкин:

Муболағасиз айтиш мумкинки, музей қисқа вақт ичида катта ютуқларни қўлга киритди. Шу кунга қадар музейни 1,5 миллиондан зиёд томошабин зиёрат қилди. Унинг экспонатларининг сони ташкил топганида 700 га яқин бўлса, ҳозирги кунда 2,5 мингдан зиёдроқдир. Унинг ноёб экспонатлари АҚШда, Германия, Франция, Австралия каби давлатларда ташкил этилган кўргазмаларда намойиш этилди.

Ўткир АЛИМОВ,
Темурийлар тарихи Давлат музейи директори ўринбосари

Ҳамшаҳарларимиз

УМР ОҚАР ДАРЁ



Бир одамни ҳеч бири икки бўлмас экан. Қанча уринмасин қорни тўйса энгли бўлмас, кийинса дастурхонидан путур кетаркан. Лекин, у шукрона яшаб, ҳеч қайғурмас экан. Унинг аҳволини зимдан кузатиб юрган ўзига тўқ, бадавлат маҳалладоши ачинганиданми, савоб излабми ҳар қалай эҳсон аташга қарор қилибди. Ўша ҳокисорнинг йўлини пойлаб, кўприкдан ўтаверишдаги кўзга ташланадиган жойга «зора, шу билан ўнгланиб кетса», деган ниятда бир халта пул қўйиб, ўзи панароққа ўтиб, унинг келишини кузатибди. Қараса бояги киши икки қўли бўш хиргойи қилиб келаётган эмиш. Шунда у ҳайрон бўлиб:

— Биродар, кўприкдан ўтаётиб бир нарса кўрмадингизми! — деб сўраса.

— Нимани ҳам кўрардим, мен ҳар гал кўприкдан кўз юмиб ўтишни машқ қиламан, — деган экан.

Бой эса тақдирул азал шу бўлса, фақат меҳнат туфайли топганинг юқади, деганлари рост эканда, деб хулоса қилибди. Зеро, бойлик ҳам ҳар хил бўлади. Мерос, инъом ва ишлаб топилгани моддий бўлса, тинимсиз изланиш, ўқиш-ўрганиш, илғаш, идрок этиш, ижод қилиш билан маънавий бойлик шаклланади. Кейингисига мансуб кишилар ҳақиқий бой саналади. Боиси, бу бойликдан одамлар қанча манфаатдор бўлса, дунёқараш, ҳаётга муносабат, инсоний қадр-қиммат, имон-эътиқод мукаммаллашиб, тафаккур тиниқлашади, руҳият кўркамлашади.

Таъбир жоиз бўлса, Миршароф акани ана шундай бойлар сирасига қўшгим келади. Чунки у умр бўйи қалам учидан инсонларга меҳр улашиб келаётган ижодкор сифатида қувваи ҳофизаси кенглардан экани маълум. «Туркистон»дан бошлаб, «Ўзбекистон овози»да қалами чарҳланиб, ижодий йўналиш олган бу заҳматкашнинг ўзбек журналистикасида «Илмий очерк»ка замин қўйган ижодкор деб эътироф этилиши ҳам бежиз эмас. Шу ўринда унинг ўзи завқланиб ҳикоя қилувчи бир воқеани келтириб ўтиш жоиз кўринади.

— Журналистга барча соҳа ва барча нарса дахлдор, — фикр юритади Миршароф ака. — Шунинг учун ҳам биз ҳамкасбларимиз ижодини кузатиб, суд ё адвокат ҳолатида одамлар тақдири билан боғлиқ чигал муаммоларни ҳал қилишга уринганини кўрамиз. Аслида биз сиёсатчилармиз. Давлат сиёсатини халққа тушунтириш, тарғиб қилишга сафарбармиз. Меҳнатимиз оғир экани билан ифтихорга тўламиз. Айни пайтда жиддий нарсага қўл уриш учун тадқиқотчи бўлишимиз ҳам зарур. Бунинг учун қўл ураётган мавзунинг илмий ўзагини ўрганишга тўғри келади. Кечагидек эсимда. 1976 йили газетада «Минг бир дард давоси» очерким босилиши арафасида қўлёзмани ўқитиб олиш учун профессор Саломат Йўлдошева билан учрашганимда:

— Очерк асалнинг шифобахшлигига бағишланибди, — деганди олима. — Тўғриси ҳаяжонимни яширолмадим. Асли касбингиз нима?

— Журналистман, — дейман.

— Йўғ-е, — дейди профессор жилмайиб. — Ахир ёзганларингизга қараганда бу соҳанинг бизга ҳали қоронғу томонлари ҳам бор эканда. Афтидан кўп манбаларга қарабсиз.

— Ярим йилдан бери шу мавзуни ўрганаман.

— Мақола босилиш кунини аввалроқ айтинг. Талабаларга олиб ўқишни тавсия этамиз.

Қўлёзмани олиб қарасам, охирги варақда қуйидаги сўзлар ёзилган экан: «Муҳсимовнинг мақоласи илм-фан нуқтаи назаридан замон талабларига тўла жавоб беради. Республикамизда асаларичиликни ривожлантиришнинг комплекс муаммолари тўғрисидаги мулоҳазалари ғоят қимматлидир. Профессор С.Йўлдошева».

Унинг кўнгли тўқ, мағрур ва мансур юришида бир сир бордек. У ҳам бўлса пулнимас вақтни ўйлаши, вақтдан ҳам кўра соғлиқни мустаҳкамлаш омилларини излашидир. Саҳарлаб стадион йўлаклари бўйлаб югуришни канда қилмаслиги ҳам шундан. Муҳими, китоб, газета-журнал варақлашни қўймайди. Гурунгларда тафаккурининг зукколиги кўриниб туради.

... Нима учундир унинг уйқуси қочди. Балқиган ой нурида деворга осиғлиқ завжаси, муҳтарама Маҳсуманинг сиймоси яшнаб турарди. «Бевақт раҳматли бўлиб кетди-я, — суратдан кўз узмай кўнглидан ўтказди у. — Ёзган-чизганларимнинг аввалини ўқирди, маслаҳатлашардик. «Авлодлар қиссаси», «Ҳаёт баҳори», «Алломалар», «Зиёлилар», «Эл эъзозлаган аёллар», «Жасорат» каби тўпламлар,«Ўзбекистон юлдузлари», «Ўзбекистон қўриқлари» китобларимни қўлига олиб севинган чоғларини унутиб бўлармиди. Айниқса, хизмат кўрсатган журналист унвонига сазовор бўлганим ҳақидаги хабарни телевизордан эшитиб, севинч ёшлари тўкканиничи? Дўстларим, устозларим, шогирдларга меҳмоннавозлик билан парвона бўлганлари-чи, эҳ»...

Кейин ўзи бевосита мулоқотда ва ҳамнафас бўлган жамоадошларини эслади: «Холбек Ёдгоров, Абдукарим Набихўжаев, Муҳиддин Жалолов, Ўктам Усмонов, Маъруф Назаров, Жўрабой Холқосимов, Ҳошим Абдусаматов... Ҳа, анчаси ўтибди. Жуманиёз Жабборов, Муроджон Мансуров, Абдуллажон Абдуқодиров, Расул Раҳмон, Намоз Саъдуллаев, Рихсивой Қосимов, Умида Файзиева... Буларнинг ҳар бири бир олам. Борига шукр».

Ана шундай хаёллар оғушида кўзи илинди. Аварасининг ҳарҳашасидан барвақт уйғониб кетди. Болакай дадамга бораман, дерди. Ичкари хонага кириб уни бағрига босаркан, «умид чироғим» деб эркалади. Шу пайт телефон жиринглади. Гўшакни кўтарганди: «Миршароф!» деган майин таниш овоз жаранглади. У дарров таниди:

Ассалому алайкум, Мақсуд ака.

— Етмишвой, бўлибсан деб эшитдим. Бардам бўл, сенга ҳам менинг йўлимни берсин.

— Раҳмат.

Учрашамиз.

Узоқ йиллар муҳаррир бўлиб, устозлик қилган Мақсуд Қориевнинг дил сўзларидан кўнгли тоғдек кўтарилди.

Ҳайдар НОСИРОВ

Бокс

АЖОЙИБ ҒАЛАБА

ПРОФЕССИОНАЛ БОКС БЎЙИЧА АҚШДА ЎТКАЗИЛГАН НАВБАТДАГИ РЕЙТИНГ ЖАНГИ ҲАМЮРТИМИЗГА ОМАД КЕЛТИРДИ.

Гап шундаки, америкалик чарм қўлқоп устаси Кенни Кренига қарши рингга чиққан ҳамюртимиз Темур Иброҳимов мутахассислару мухлисларни ҳайратга солиб, рақиби устидан ажойиб ғалабани қўлга киритди. Афсонавий боксчи Майк Тайсон устозлигида ушбу мусобақага жиддий тайёргарлик кўрган Темур Иброҳимовнинг кучли, аниқ ва тезкор зарбалари Кенни Кренини саросимага солиб қўйди. Бор-йўғи икки раунд давом этган беллашув Темурнинг мутлақ устунлиги остида якунланди.

(Ўз мухбиримиз)

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

АКЦИЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!
«БАЛИҚЧИ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ 2006 ЙИЛ 1 ЯНВАРЬ ҲОЛАТИГА БАЛАНС ВА МОЛИЯВИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

№	Актив	№	Пассив
1	Асосий воситалар—200257,0	1	Устав фонди—300000,0
2	Ишлаб чиқариш заҳиралари—758889,0	2	Қўшимча капитал—195290,0
3	Дебиторлар-456155,0	3	Заҳира капитали—232554,0
4	Пул маблағлари—47317,0	4	Тақсимланмаган фойда—228500,0
		5	Мақсадли тушумлар—338356,0
		6	Кредиторлар—167918,0
	Жами: 1462618,0		Жами: 1462618,0

№	Молиявий натижалар	
1	Маҳсулот сотишдан тушган соф тушум	931516,0
2	Ишлаб чиқариш харажатлари	395646,0
3	Давр харажатлари	268724,0
4	Асосий фаолиятнинг фойдаси	267146,0
5	Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	13386,0
6	Фавқулодда зарар	50511,0
7	Даромад солиғи	1521,0
8	2005 йил бўйича соф фойда	228500,0

Акциядорлик бирлашмасининг 2005 йил хўжалик фаолиятига доир ҳисоботлари «Мухосибу-Нур» аудиторлик фирмаси томонидан текширувдан ўтказилган.

Мунажжим башорати

БИЛИМЛАРНИ ЭГАЛЛАНГ

19 МАЙ, ЖУМА

МУНАЖЖИМ М.СМИРНОВАНИНГ ТАВСИФИГА КЎРА, БУГУН ДОНИШМАНДЛИК ВА БИЛИМЛАРНИ ЭГАЛЛАШ КУНИ. ОЙ САЙЁРАСИ РИТМЛАРИ ФАН ЧЎҚҚИЛАРИНИ ЭГАЛЛАШ, ҚАДИМИЙ ЁЗУВЛАРНИ, МАРОСИМ ВА АНЪАНАЛАРНИ ЎРГАНИШГА ҚУЛАЙЛИК ТУҒДИРАДИ. ҚАДИМГИ КИТОБЛАР, ЁЗУВЛАР, РАМЗИЙ БЕЛГИЛАРДА ЯШИРИНГАН СИР-АСРОРЛАР АЙНАН БУГУН СИЗНИНГ ОЛДИНГИЗДА ОЧИЛИШИ МУМКИН.

Бугун интеллектуал меҳнат, тадқиқотчилик ишлари билан шуғулланиш учун қулай кун. Ишларингизни режалаштириб ўтирмай, ички туйғуларингизга бўйсуниб ҳаракат қилганингиз маъқул.

Мунажжимлардан яна бири – Света День, вазият воқеаларнинг уйғунлик асосида ривожланишини тақозо этишини таъкидлайди. Бундан буёғига нима учун ва қандай ҳаракат қилишни аниқ идрок этасиз. Бугун кундалик зерикарли ишлардан халос бўлиб, нимани хоҳласангиз шу билан банд бўлишингиз ва ўзингиз учун ҳаракат қилишингиз мумкин.

Бу кеча кўрилган тушлар башоратли бўлади, тез орада ўнгидан келади ва тўғридан-тўғри талқин этилади. Тушда камалак рангларини, осмонни, булутлар ва ёмғирни ёки оловни кўриш, шунингдек, парвоз қилиш жуда яхши аломатлар ҳисобланади.

Таомда ўзингизни чеклаб ўтирманг. Кийимларнинг кўзга ташланмайдиган, ранглар чаплашиб, ҳиралашган турларини танлаш тавсия этилади. Ола-була, айниқса қизил ва зарғалдоқранг либослар бугунги кунга тўғри келмайди.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.
Маълумотлар учун телефон:
133-28-95. Факс: (3712) 133-21-56.
Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 212-хона.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г- 706

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
3162 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 . 6